


## XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2018 йилнинг март ойида 1640,5 минг сўм<sup>2)</sup> ташкил қилиб, 2017 йилнинг март ойига нисбатан 20,5 % га ошди. 2018 йил январь-март ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1548,3 минг сўмни ташкил қилиб, 2017 йил мос даврига нисбатан 20,1 % га ошди.

Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори ўсиши ахборот ва алоқада (28,9 % га), молиявий ва суғурта фаолиятида (28,6 % га), саноатда (27,5 % га) ва қурилишда (24,8 % га) кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**  
(2018 йил январь-март, минг сўм)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори даражаси молиявий ва суғурта фаолиятида – 2774,8 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 79,2 % га кўп), ахборот ва алоқада – 2722,7 минг сўм (75,9 % га), саноатда – 2315,7 минг сўм (49,6 % га), ташиш ва саклашда – 2101,9 минг сўм (35,8 % га), қурилишда – 1803,8 минг сўм (16,5 % га) ва савдода – 1603,1 минг сўм (3,5 % га) кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**

<sup>2)</sup> Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

(минг сўм)

|  | Январь-март   |               | Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан, % да |              |
|--|---------------|---------------|--|--------------|
|  | 2017 й.       | 2018 й.       | 2017 й.  | 2018 й.      |
| <b>Республика бўйича</b>                       | <b>1288,9</b> | <b>1548,3</b> | <b>100,0</b>   | <b>100,0</b> |
| <i>шу жумладан:</i>                            |               |               |  |              |
| саноат   | 1 815,6       | 2 315,7       | 140,9  | 149,6        |
| қурилиш  | 1 445,9       | 1 803,8       | 112,2  | 116,5        |
| савдо  | 1 375,9       | 1 603,1       | 106,8  | 103,5        |
| ташиш ва сақлаш                                | 1 735,3       | 2 101,9       | 134,6  | 135,8        |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар            | 932,7         | 1 149,3       | 72,4   | 74,2         |
| ахборот ва алоқа                               | 2 111,8       | 2 722,7       | 163,8  | 175,9        |
| молиявий ва суғурта фаолияти                   | 2 158,1       | 2 774,8       | 167,4  | 179,2        |
| таълим   | 1 072,1       | 1 230,6       | 83,2   | 79,5         |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 899,4         | 1 027,8       | 69,8   | 66,4         |
| санъат, кўнгил очиш ва дам олиш                | 1 196,3       | 1 477,0       | 92,8   | 95,4         |
| бошқа фаолият турлари                          | 1 116,2       | 1 365,1       | 86,6   | 88,2         |

Худудлар кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳри – 2129,9 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 1,4 мартага кўп) ва Навоий вилояти – 2118,8 минг сўм (1,4 мартага кўп) ҳиссасига тўғри келди.

### Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(минг сўм)

|                                | <i>Январь-март</i> |                | <i>Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан, % да</i> |                |
|--------------------------------|--------------------|----------------|---|----------------|
|                                | <i>2017 й.</i>     | <i>2018 й.</i> | <i>2017 й.</i>  | <i>2018 й.</i> |
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>1 288,9</b>     | <b>1 548,3</b> | <b>100,0</b>  | <b>100,0</b>   |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 1 236,6            | 1 531,6        | 95,9  | 98,9           |
| <i>вилоятлар:</i>              |                    |                |   |                |
| Андижон                        | 1 165,0            | 1 426,1        | 90,4  | 92,1           |
| Бухоро                         | 1 280,8            | 1 452,4        | 99,4  | 93,8           |
| Жиззах                         | 1 153,9            | 1 351,9        | 89,5  | 87,3           |
| Қашқадарё                      | 1 203,4            | 1 387,2        | 93,4  | 89,6           |
| Навоий                         | 1 786,7            | 2 118,8        | 138,6   | 136,8          |
| Наманган                       | 1 031,7            | 1 223,9        | 80,0  | 79,0           |
| Самарқанд                      | 1 070,8            | 1 234,8        | 83,1  | 79,8           |
| Сурхондарё                     | 1 059,8            | 1 266,7        | 82,2  | 81,8           |
| Сирдарё                        | 1 121,8            | 1 342,6        | 87,0  | 86,7           |
| Тошкент                        | 1 361,3            | 1 686,7        | 105,6   | 108,9          |
| Фарғона                        | 1 105,2            | 1 285,7        | 85,7  | 83,0           |
| Хоразм                         | 1 077,3            | 1 288,1        | 83,6  | 83,2           |
| Тошкент ш.                     | 1 693,1            | 2 129,9        | 131,4   | 137,6          |

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Наманган (1223,9 минг сўм), Самарқанд (1234,8 минг сўм) ва Сурхондарё (1266,7 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Бу вилоятлардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 21,0%, 20,2% ва 18,2% га кам бўлган.